



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 175 (11.736)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонида мувофиқ:

1. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёриши тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 7 сентябрь

**Юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби фармацевтикада ҳам босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилаётганлар орасида «Jurabek Laboratories» компанияси ўз ўрнига эга.**

## РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Юртимизда хусусийлаштириш даври бошларида «Жўрабек» дорихонаси кенг доруг таратган. Кейинчалик айни шу дорихона раҳбарларининг тадбиркорлиги ва ташаббускорлиги билан янги лойиҳа асосида ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсата бошлади.

Айтиб ўтиш жоизки, бу ерда илк бор республикада капсулалар дорилар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Асосий мақсад — импорт ўрнини босувчи кўплаб турдаги ва энг муҳими таннархи нисбатан арзон дори-дармонлар ишлаб чиқаришга эришилгани боис корхона номи қисқа вақт ичида савдо белгисига айланди.

«Jurabek Laboratories» компа-

ниясида бугунга келиб 450 нафардан зиёд малакали мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган капсулалар, таблеткалар, антибиотиклар, кукунли дорилари, шунингдек ампулалар ва инфузион препаратлар нафақат республикамиз, балки Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Озарбойжон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Яқин истиқбол режада экспорт ҳажмини бир неча баробарга ошириш кўзда тутилган. Бунга корхонанинг фармацевтика соҳасида эришган мавқеи, албатта, катта аҳамият касб этади.

Муҳаббат  
ҲАБИБУЛЛАЕВА

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Мустақиллик шарофати билан яратилган кенг имкониятлар боис хорижий ҳамкорлар билан алоқалар янада мустақамлаиб, қўшма корхоналаримиз сафи ҳам ортиб бормоқда. Энг муҳими ички бозор ўзимизда тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминланиши баробарида экспортга ҳам чиқарилиб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса бўлаётганидир.**



## Ҳамкорлик қирралари

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

«Shafaq Tekstil» қўшма корхонасида маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотлар харидорлиги билан ажралиб туради.

— Аввало таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистонда чет

эллик сармоядорлар учун яратилган қўлай инвестицион муҳит фаолиятимиз ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди корхона директори Одил Окчакора. — Бозор талаби ва харидор эҳтиёжини ўрганиш асосида маҳсулотлар тайёрланаётганимиз яхши самара берапти. Биз асосан чақалоқлар тўплами ва 2-3 ёшгача бўлган болажонлар учун кийим-кечаклар тикамиз. Уларнинг сифати, бола саломатлигини таъминлашдаги аҳамияти, қўлайлигига қаратилган эътибор харидорларимиз сафини орттирмоқда. Бугунги кунга келиб 100 хил

моделдаги кийим-кечак табиий матолар асосида тикилади. Албатта, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш маҳсулотларимиз таннархини арзонлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда корхонада 35 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб, улар танлов асосида ишга олинган тажрибали мутахассислардир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини таъминлашда Латофат Мирзоева, Турсуной Холметова, Дилноза Раҳмонова, Зухра Курбонова, Зухра Носироваларнинг ҳиссаси катта. Маҳсулотларнинг янги моделларини яратишда эса нафақат ички, балки хориж бозорини ўрганиш ҳам фойда бермоқда.

Замонавий ишлаб чиқариш биносига эга бўлган корхонада чеварлар учун қўлай иш шароитлари ва

хордиқ олиш имкониятлари яратилган. Буларнинг барчаси иш самарадорлигини таъминлабгина қолмай, янги изланишларга ҳам ундамоқда.

Айни пайтда корхонада кузги-қишқи чақалоқлар тўпламлари ва болалар либосларининг бир неча янги моделлари ишлаб чиқаришга жорий этилган. Фирма дўконини ҳам харидорлар хизматида.

Режалар хусусида тўхталиш жоиз бўлса, яқинда 20 та янги замонавий дастгоҳ ўрнатилди. Мана шу кенгайтириш асосида яна 20 та кўшимча иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Яқин келгусида эса маҳсулотларни Россия давлатига экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА  
Козим Улмасов олган  
сурат

риш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан аёллар, айниқса, қизларни спортга кенг жалб қилиш, оилавий спортни ривожлантириш мақсадида турли спартакиада, фестивал ва марафонлар ўтказилиб, бир қатор соғломлаштириш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Баркамол авлод йилида бу йўналишдаги эзгу ишлар қўламини янада кенгайтириш

(Давоми 2-бетда).

## ЖАҲОНДА

● Греция бош вазири Г.Папандреу томонидан шакллантирилган янги ҳукумат таркиби кеча президент саройида қасамёд қабул қилди.

● Кеча Францияда жорий этилиши кўзда тутилаётган пенсия ислохотига қарши оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Мамлакатнинг турли бурчакларида уюштирилган намойишларда 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этган.

● АҚШ Оқ уй маъмурияти Конгрессга мамлакатдаги инфратузилмани яхшилаш мақсадида қиймати 50 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳани кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тақдим этди.

● Кеча Покистон шимоли-шарқда жойлашган Қаҳат шаҳридаги полиция штаби атрофида амалга оширилган йирик террорчилик ҳаракати натижасида 20 киши ҳаётдан кўз юмди, 50 дан ортиқ одам ярадор бўлди. Ушбу ҳунрезликни «Толибон» ҳаракати жангарилари амалга оширди.

● Чилидаги кўмир қонидаги авария натижасида узок муддат давомида 700 метр ер тагида қолиб кетган қончиларни қутқариш йўлидаги ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, бу ерда 110 метр чуқурликдаги қудуқ бургуланди. Бироқ қончиларни ноябрь ойидан аввалроқ қутқаришнинг иложи йўқлиги айтилмоқда.

● Кеча Доғистондаги Иргана ГЭСида ёнгин чикди. Бу ерда асосан техник мой ёнмоқда.

● Техрон томонидан назорат қилинадиган Германия банкига нисбатан АҚШ бир тарафлама санкциялар жорий этди.

● Чилининг Антофагасад вилоятида портловчи моддалар ортилган юк машинасининг енгил автомобиль билан тўқнашиб кетиши натижасида кучли портлаш юз берди ва беш киши ҳалок бўлди. Ҳозирча қўнғилсизлик сабаблари маълум эмас.

● Молдавия полицияси «Уран-238» радиоактив моддасини сақлаётган жиноий гуруҳни қўлга олди. Модданинг радиация хатари меъеридан 60 марта ортиқ бўлган шароитда эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, жиноятчилар яшаётган уйдан катта миқдордаги қурул-яроғ ва ўқ-дори топилди.

2010 йил – Баркамол авлод йили

## СПОРТ ВА ҒЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

**Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар саломатлигини янада яхшилаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Жорий йилнинг 13-15 сентябрь кунлари пойтахтимизда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказиладиган аънавий Республика аёллар спорт фестивали ҳамда Республика гимнастрада фестивали бунинг яна бир амалий ифодасидир.

Маъруз спорт байрами олдидан, деб ха-

бар беради ЎЗА, ўтказилган матбуот анжуманига турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт мураббийлари, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, маҳалла раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруфова, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комилов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида жамиятда хотин-қизлар мавқеини янада юксалтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатланти-

## ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар  
хоқимлигининг Ахборот  
хизмати ва ўз муҳбирларимиз  
хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Туркистон» саройида Тошкент тиббиёт академиясига бу йил ўқишга кирган 660 нафар ёшларни тантанали равишда талабалikka қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинарда ФХДЁ бўлимлари ва тиббиёт муассасалари вакиллари иштирок этди.

✓ **«КАТАФОН** қурбонлари хотираси» музейида Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази томонидан маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Эгамберган ПОЛВОНОВ Ўза мухбирига миллий авиакомпаниянинг фаолияти, уни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди:

— Ўзбекистон аҳолиси чет элга чиқиш учун, гарчи охириги манзил Тошкентнинг жанубида жойлашган бўлсада, албатта Москвага учиб шарт бўлган вақтлар ҳали-ҳамон эсимда, — дейди Э.Полнов. — Мустақилликнинг шарофати билан миллий авиакомпаниямиз ташкил этилган, халқро алоқа йўллари кенгайди. Бугун юрдошларимиз ва мамлакатимизнинг кўпгина меҳмонлари энг олис қитъалардаги шаҳарларга, яъни Токио, Нью-Йорк, Лондон, Париж, Пекин, Мадрид, Деҳли, Дубай, Сеул ёки Тел-Авивга дейсизми, тўғридан-тўғри парвоз қилиши мумкин. Юрдошларимиз яратилган бундай имкониятлардан кенг фойдаланмоқда. Ҳозир авиакомпаниямиз самолётлари Европа, Осиё, Американинг қирқдан зиёд шаҳарларига парвозларни мунтазам амалга оширмоқда.

Ҳозир авиакомпаниямиз самолётлари Европа, Осиё, Американинг қирқдан зиёд шаҳарларига парвозларни мунтазам амалга оширмоқда. Ҳозир авиакомпаниямиз самолётлари Европа, Осиё, Американинг қирқдан зиёд шаҳарларига парвозларни мунтазам амалга оширмоқда. Ҳозир авиакомпаниямиз самолётлари Европа, Осиё, Американинг қирқдан зиёд шаҳарларига парвозларни мунтазам амалга оширмоқда.

Ҳозир авиакомпаниямиз самолётлари Европа, Осиё, Американинг қирқдан зиёд шаҳарларига парвозларни мунтазам амалга оширмоқда. Ҳозир авиакомпаниямиз самолётлари Европа, Осиё, Американинг қирқдан зиёд шаҳарларига парвозларни мунтазам амалга оширмоқда.

нинг охири ва 2011 йилнинг бошида ҳозир фойдаланаётган бешта «Ил-114-100» русумли самолётга қўшимча равишда яна икки самолётга эга бўлади.

Парвозлар хавфсизлиги стандартлари ҳақида гапирадиган бўлсак, «Ўзбекистон ҳаво йўллари»да бу стандартларга қатъий амал қилинаётганини таъкидлаш жоиз. Ҳозир авиакомпаниямиз янги вазифаларни самарали ҳал этмоқда. 2009 йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» IOSA аудитидан муваффақиятли ўтди ва бу тармоқ учун муҳим воқеа бўлди. Авиакомпаниямиз

оқими жалб қилиш учун қулай шартшароит яратмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Sky Team» авиаташувчилар халқро альянсига қўшилишга тайёрланишда ахборот тизимлари хизматларини етказиб берувчи компанияни (электрон чипталарни брон қилиш, кўчириш ва уларга ишлов бериш, йўловчиларни рўйхатга олиш, веб-сайт орқали брон қилиш, даромадларни бошқариш тизимлари) ҳам аниқлади. Яқин вақт ичида миллий авиакомпания маълумотлар базасини «Amadeus IT GROUP, S.A.»

фик жиҳатдан анча қулай.

Пойтахтимизнинг ҳаво йўллари орқали дунёнинг деярли барча йирик шаҳарлари билан боғланган «Тошкент» халқро аэропорти бу борада сўзсиз етакчи ўрнида туради. У иккинчи IOSA тоифасига эга бўлиб, барча русумдаги ҳаво кемаларини қабул қила олади. Ўзбекистон миллий авиакомпанияси таркибига кирадиган 12 аэропортнинг бештаси, яъни «Тошкент», «Самарқанд», «Бухоро», «Урганч» ва «Навоий» аэропортлари халқро мақомга эга.

Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортлари реконструкция қилингандан сўнг IOSAнинг биринчи тоифали сертификатига эга бўлди ва ҳам Фарбда, ҳам Шарқда ишлаб чиқарилган барча русумдаги ҳаво кемаларини қабул қилаётди. Бунга кўп жиҳатдан радиотехника ускуналари тубдан янгилаш — аэродром радиолокаторлари, ҳаводаги аҳолини ақс эттирувчи тизим, диспетчерлик овозли ҳамда радиоалоқа тизимлари билан жиҳозланган ҳаво ҳаракатини бошқариш бўйича янги, замонавий мини-марказларнинг ишга туширилиши тўғрисида эришилди. Аэропортлар ҳақида ҳаво ҳаракатларини бошқариш тизимларини ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилаётган ва тендердан ўтган илгор ишлаб чиқарувчилар томонидан модернизация қилинган ҳамда замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Ўзбекистон ҳудудида ўрнатилган, Франция, Германия ва Италияда тайёрланган бундай ускуналарни бошқарадиган мутахассислар ушбу мамлакатлардаги заводларда ўқитилди.

Айни пайтда Навоий шаҳри аэропорти жадал модернизация қилиниб, замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Яқинда учиб-қўниш йўлга реконструкция қилинди ва энди унинг узунлиги 4000 метрни ташкил этади. Авиаторларнинг касб байрами арафасида «Навоий» халқро аэропортида янги юк терминали тантанали равишда очилди.

Айнан техника воситаларининг модернизация қилиниши Ўзбекистон аэронавигация тизимига IOSAнинг асосий талаблари, стандартлари ва тавсия этилган амалиётга мос келиш имконини берди. Шундай қилиб, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси таркибига кирадиган аэропортларда авиакомпания ва йўловчиларнинг тобора ортиб бораётган талабларини қондириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди.

Миллий авиакомпанияда парвозлар хавфсизлиги даражасини ошириш, сифат менежменти тизимини жорий қилиш мақсадида қатор тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. IATAдан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси эксплуатация хавфсизлиги бўйича (IOSA) такрорий аудитдан ўтганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат олинди.

Миллий авиакомпаниямизнинг келаждаги режалари бозорнинг барча бўғинларида ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Фуқаро авиациясини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ, парвозлар ва авиация хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ошириш, барча тузилмалар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларини таъминлашнинг устувор вазифалар ҳисобланади. Буларнинг барчаси юрдошларимизнинг тобора ўсиб бораётган талабларини қондириш, улар дунёнинг кўпгина шаҳарларига ҳаво йўли орқали қулай ва осон етиб олишни таъминлашга хизмат қилади.

Виктор НИКОЛАЕВ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»: ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Президентимиз Ислам Каримовнинг фармони билан 1992 йил 28 январда ташкил этилган. Истиқлол йилларида авиакомпания халқро юк ва йўловчи ташиш бозорида кескин рақобат шароитида ўз ўрнини мустаҳкамлаш билан бир қаторда мижозлар ишончини қозонди ва фаолият кўламини кенгайтди.



аудитга тайёргарлик кўриш жараёнида ўз бўлимлари фаолиятини Ҳаво транспорти халқро ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган парвозлар сифати ва хавфсизлиги стандартларига мувофиқ қайта ташкил этди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» IATA томонидан текширувдан ўтказилган, IOSA операторлари расмий реестрига киритилди ҳамда Ўзбекистон миллий авиакомпанияси жамоасининг фаолияти юқори баҳолангани ҳақидаги тегишли сертификатга эга бўлди.

«Sky Team» авиаташувчилар халқро альянснинг аъзоси «Korean Air» авиакомпанияси билан фаол ҳамкорлик яхши натижа бермоқда. Айнан ушбу компания «Ўзбекистон ҳаво йўллари»ни глобал бирлашмага аъзо бўлишга даъвогар сифатида тавсия қилди. 2009 йилнинг бошидан буён «Sky Team» альянснинг тенг ҳуқуқли аъзолари «Alitalia», «Delta Air Lines», «Aeromexico» авиакомпаниялари билан интерлайн-шартномалар, шунингдек, MITA (Multilateral Interline Traffic Agreement) доирасида 12 хоржий авиакомпания билан битимлар тузилди.

Айни вақтда, 16 авиакомпания билан ташишларга оид электрон ҳужжатларни ўзаро этироф этиш тўғрисида интерлайн-шартномалар амал қилмоқда ва бу авиаташишлар фақат электрон авиачипталар бўйича амалга ошириладиган яқин ҳамда узок хоржий давлатлардан йўловчилар

компанияси тизимига бошқичма-бошқич ўтказиш жараёни бошланади.

Бугун бутун дунёда авиаташишларнинг авиация хавфсизлиги, ишончилиги ва сифати стандартларига нисбатан талаблар ортиб бормоқда. Бу борада йўловчилар талаблари ва авиаташувчилар манфаатларини қондириш ўртасидаги мувозанатни халқро даражада сақлаш зарур. Авиация маҳамалари, авиаташувчилар ва авиация техникасини ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги қатор ички қарорлар ҳам айнан ушбу масалалар эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.

Вилоятлар аэропортларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш соҳани тақомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Хоржий кредитлардан оқилона фойдаланиш мамлакатимиз аэропортларини реконструкция қилиш имконини берди. Янги учиб-қўниш йўлаклари ҳар қандай русумдаги самолётларни, замонавий терминаллар эса оқими тобора кўпайиб бораётган йўловчиларни қабул қилиш имкониятига эга. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг деярли барча аэробекатларидан Россия ва МДХ мамлакатларига тўғридан-тўғри парвозлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон аэропортлари МДХ мамлакатларидан Жануби-Шарқий Осиё, Европа ва Америкага борадиган ҳаво трансаси чорраҳасида жойлашгани боис бошқа давлатларни қараганда геогра-

Мамлакатимизда ёшларни, жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқиш ва ишга киришда қатор имтиёزلарга эга собиқ аскарлар берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топаётди.

## СОБИҚ АСКАРЛАР — ТАЛАБАЛАР САФИДА

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида маълум қилишларича, бу йил икки юз нафарга яқин йигит Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги қарорига мувофиқ белгиланган имтиёз асосида мазкур олий таълим муассасаси талабалари сафига қўшилди. Сурхондарёлик Элнур Норпўлатов — уларнинг бири. — Мазкур университетнинг жисмоний маданият ва чақирқача ҳарбий таълим факультетида ўқишни бошладим, — дейди Ўза мухбирига Э.Норпўлатов. — Энди бу ерда ўз билим ва малакамни

янада бойитишга, биз, ёшларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ҳамқўрликни оқлаш ҳамда талланган соҳамнинг етуқ мутахассиси бўлишга астойдил ҳаракат қиламан. Айни пайтда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган етти юз нафардан ортиқ йигит таълим олмоқда.

Холмурод САЛИМОВ

## СПОРТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йилда «Аёл соғлом бўлса, авлод соғломдир» шиори остида ўтказиладиган V Республика аёллар спорт фестивали ҳамда IV Республика гимнастрада фестивали хотин-қизлар ўртасида спортни янада омма-лаштириш, уларнинг жисмоний тарбия орқали ўз саломатлигига бўлган масъулиятини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фестиваль Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Касаб-ушмалари федерацияси Кенгаши, Миллий Олимпия кўмитаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилади.

Қатнашчиларнинг аксарияти уй бекалари, турли корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари, оддий аёллардир. Улар муСОБАҚАДА волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, гимнастрада каби спорт турлари бўйича ўзаро куч синашади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан вакиллар иштирок этадиган беллашувлар «Ўзбекистон» спорт соғломлаштириш мажмуи ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг спорт мажмуасида бўлиб ўтади. Тадбир доирасида турли маърифий учрашувлар, концертлар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Назокат УСМОНОВА

## Иқтисодиёт

### ЯНГИ ИШ ҲАРАКАТИ

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда корхоналарни модернизация қилиш, самарали техникалар қувватидан фойдаланиш, илгор технологияларни қўллаш ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб қилмоқда.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «2-темир-бетон маҳсулотлари заводи» қўшма корхонаси ҳам бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Кейинги йилларда корхона бутунлай янгилади, ишлаб чиқариш қуввати ошди, экспорт йўлга қўйилди. Маҳсулот сифатига қаратилган эътибор боис буюртмачилар сафи йилдан йилга кенгаймоқда, товарлар турлари кўпаймоқда.

— Юртимизда қурилиш соҳасига рақобатбардош маҳсулот етказиб берувчи корхоналар орасида ўз ўрнини бор, — дейди корхона директори Абдували Ваҳобов. — Тадбиркорлик билан иш юритишимиз, янгидан-янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришда қўллаётганимиз, халқро андозаларга мос маҳсулот турлари кўпайётгани муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Яқинда Италиянинг етакчи компаниялари билан шартнома асосида қўшма корхона ҳудудида кичик заводни ишга туширишга келишув имзоланди. Мақсадимиз амалга ошган, маҳсулот турлари 80 тага ортади. Яна бир янгилик. Корхонамизда Марказий Осиёда илк бор 33 метрлик кўприк балкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши арафасида.

Янгилик шарофати билан ҳозирда фаолият кўрсатаётган 250 нафар ишчи-хизматчилар сафига 100 нафар янги иш жойлари қўшилади. Илгор технология асосида тайёрланаётган бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуввати бир йилда 20 минг метр кубни ташкил этмоқда. Корхонага замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган йили корхона ISO 9001:2008 ва ISO 1401:2004 халқро стандарти сертификатларини олган.

Бу ерда маҳоратли кадрлар фаолият юритаётганлиги корхонанинг экспорт имкониятини оширмоқда. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда энергияни тежаб сарфловчи технологиялар мададида маҳсулотлар таъинларини бирмунча пасайтиришга эришилгани ҳам эътиборлидир. Бу, ўз навбатида, буюртмачилар ошишига асос бўлмоқда.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, уч йил аввал корхона экспорт ҳажми 500 минг долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг шу даврига 700 минг АҚШ доллари миқдорида бетон маҳсулотлари хорижга жўнатилди.

Маҳбуба УБАЙДУЛЛАЕВА

## Банк ва мижоз

### ФАОЛИЯТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, таълим, фан, маданиятни янада раванқ топтириш мақсадида амалга оширилаётган ислотлар таҳсинга сазовор.

Бинобарин, ҳар бир соҳа, тармоқ фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, энг аввало, банк соҳаси иш сифати тақомиллаштирила бошланди. Натижада банклар фаолияти янада яхшиланиб, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари кўпаймоқда. Мисол учун, «Узсаноат-қурилишбанк» акциядорлик жамияти ва унинг туманлардаги бўлиmlари томонидан айни кунларда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш кўламини анча кенгайрилганини айтиш жоиз. Банкнинг Чилонзор тумани филиалида ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, ушбу соҳаларни кўллаб-қувватлаш мақ-

садида жорий йилнинг шу кунига қадар банк томонидан 350 миллион сўмлик кредит ажратилди. Кредит маблағлари сановат, савдо, маиший хизмат, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига жалб этилади. — Пластик карточкаларни муомалага киритиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда, — дейди «Узсаноатқурилишбанк» Чилонзор тумани филиали мутахассиси Фурқат Ҳақбердиев. — Жисмоний ва юридик шахсларга VIZA пластик карточкалари ҳам тақдим этилмоқда. Жорий йилнинг 1 августига қадар 11856 донна пластик карточка амалда бўлмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 125 фоизга кўпдир. Пластик кар-

точкаларда тўловларни ўз вақтида амалга ошириш учун савдо дўконларига 49 та терминал ўрнатилди. Демак, эндиликда аҳолидан коммунал тўловларни терминал орқали қабул қилишда ҳам муаммолар юзга келмайдми. Шунингдек, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида янги хизмат турлари жорий этилмоқда. Жумладан, «Банк-мижоз» дастурида ишлаш, «SMS-BANKING» тармоғига улашиш, мижозга қулай вақтда хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳолининг банкка ишончинини янада оширишга, иш сифати самардорлигининг яхшиланишига хизмат қилмоқда.

И.ДИЛШОДОВ



# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Шифо масканларида

## АҲОЛИ МАНФААТИ ЙЎЛИДА



Мамлакатимиз Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ пойтахтимизда кўп йиллардан буён аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда самарали фаолият кўрсатиб келадиган шифохоналардан бири Республика иختисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази мақомини олгани ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Айтиб ўтиш жоизки, ушбу шифо масканига бутун республикамиздан даво истаб келувчилар сони йил сайин ошиб бормоқда.

— Чунки, — дейди биз билан суҳбатда марказ директори, профессор Анис Аляви, — бу ерда юқори технологик моддий ва илмий база яратилган бўлиб, терапия мактабини изчиллик билан ривожлантириш масалалари ҳам ўз ифодасини топган. Марказда касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш, беморларни реабилитация қилиш йўналишлари бўйича малакали иختисослаштирилган ёрдам кўрсатилади. Мутахассисларимизнинг касбий тайёргарлигини мунтазам ошириб бо-

риш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ташхис қўйиш ва даволашнинг энг замонавий усуллари қўлланилади. Шунингдек, тиббиёт амалиётига янги усуллар ва технологияларни татбиқ этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилади. Беморлар маслаҳат поликлиникасига муружаат этиб, терапиядан ташқари, тор иختисосли мутахассислар кўмагида халқаро андозалар асосида соғлигини тиклаши ҳам мумкин.

Марказда ревматология, интенсив терапия, кардиология, кардиореабилитация, кардиocerebral патология, гастроэнтерология, пульмонология ва клиник алергология бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда мавжуд 400 ўриндан 160 таси болаларга мўлжалланган. Болалар учун пульмонология, гастроэнтерология, неврология, артрология йўналишларида реабилитация бўлимлари, шунингдек поликлиника хизмат кўрсатмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, барча беморлар алоҳида жойлашган диагностика блокда текширувдан ўтказилади. Ушбу блок функционал диагностика, клиник биокимё, нурли усуллар ва эндоскопия хоналари, юқори технологик тадқиқотларни

Барча соҳалар сингари соғлиқни сақлаш тизимида ҳам олиб борилаётган ислохотлар самараси йил сайин кўз ўнгимизда яққол намоён бўлмоқда. Янги замонавий шифо масканлари бунёд этилиб, мавжудлари замон талаблари даражасида тўлиқ таъмирланаётганлиги фикримиз далилидир.

Ўтказиш лабораториясини ўз ичига қамраган, яъни бу ерда бир-бирига боғланган ҳолда изчил йўлга қўйилган узлуксиз жараён давомида беморга тўлиқ ташхис қўйиш имконияти яратилган.

Кардиология бўлимида юрак-қон томир тизимининг турли касалликларига дучор бўлган беморлар текширувдан ўтказилади. Бу ерда ўткир коронар синдром, асоратланган гипертоник кризлар ҳамда ритм ва юрак ўтказувчанлигининг ҳаётга хавф туғдирувчи бузилишларига йўлиққан беморларга тезкор тиббий ёрдам бериш учун интенсив терапия палатаси мавжуд бўлиб, замонавий аппаратура билан таъминланган.

Марказда барча турдаги алергик касалликлар сабабини замонавий усуллари қўллаш ҳолда ўрганиш ва даволаш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Айтиш жоизки, марказда давлат грантлари асосида пульмонология, кардиология, гастроэнтерология ва ревматологиянинг долзарб масалалари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилади. Айниқса кейинги йилларда юрак ишемик хасталигининг турли шакллари, гипертония касаллигига йўлиққан беморларни реабилитация қилиш борасида дифференциал ёндашувнинг клиник-

патогенетик жиҳатлари ишлаб чиқилди.

Гастроэнтерология ва гепатобилиар бўлимлари энг асосий ҳисобланиб, сурункали гепатит, яра касалли-



ти касалликлар бўйича иختисослаштирилган ёрдам кўрсатилади.

Тиббий реабилитация жараёни эса физиотерапия, бальнеология ва шифобахшлой билан даволаш бўлимларида кечади. Марказ томонидан вилоят ва жойлардаги тиббиёт муассасалари, айниқса қишлоқ врачлик пунктлари мутахассисларига ички аъзолар касалликларига доир долзарб масалалар бўйича маслаҳат ва услубий кўмак бериб борилади. Яна бир муҳим йўналиш — ички аъзолар билан касалланган беморларни диагностика қилиш, даволаш ва реабилитация қилишнинг янги технологияларини татбиқ этишга қаратилган.

Эътиборлиси, Республика иختисослаштирилган терапия ва тиббий ре-

абилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Россия, Украина, Грузия, Марказий Осиё, кўлаб Европа давлатларининг етакчи турдош марказлари билан илмий тажриба алмашиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида ҳамкорликда иш олиб боради.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Республика иختисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятдан лавҳалар. Козим Улмасов олган суратлар

абилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Россия, Украина, Грузия, Марказий Осиё, кўлаб Европа давлатларининг етакчи турдош марказлари билан илмий тажриба алмашиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида ҳамкорликда иш олиб боради.

### Мутахассис маслаҳати

## ОВҚАТЛАНИШ МЕЪЁРИНИ УНУТМАНГ

Инсоннинг бутун ҳаёти овқатланиш билан узвий боғланган. Агар каттаю кичик маълум тартибда овқатланса, танадаги модда алмашуви тўғри бориб, кишининг ҳар хил касалликларга мойил бўлмаслигига, узоқ умр кўришига ва фаол меҳнат қилишига шароит яратади.

Агар одам овқатланиш тартибига узоқ вақт етарли эътибор бермаса, меъёр бузилса, тананинг жисмоний фаолияти пасайиб кетади, бундай кишилар арзиманган сабаблар билан турли касалликларга дучор бўлади. Шунинг учун ҳар бир киши қандай овқатланиш фойдали эканлигини билиб қўйиши керак. Нотўғри овқатланиш натижасида келиб чиқадиган касалликларнинг турлари кўп. Масалан, ҳозирги кунда аҳоли ўртасида тез-тез кузатиладиган ортиқча семирткичи кетиш ёки бунинг акси, камдан-кам учраётган озир кетиш ҳоллари гигиеник талабларга риоя қилмаслик, қолаверса, овқатланиш тартибининг кўпол бузилиши натижасида содир бўлмоқда.

Истеъмол қилинадиган овқат миқдори кишининг ёшига, танасининг вазнига, меҳнатнинг оғир, энгилига, яшаётган жойининг иқлим шароитига қараб ҳар хил бўлади. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида танада сарф бўладиган овқат моддаларининг миқдори ва сифати бошқа иқлим шароитидан фарқ қилиши олимлар томонидан кузатиладиган. Иссиқ иқлимнинг таъсирида ошқозон безларидан ажралладиган хлорид кислотасининг миқдори камаяди, иштаха пасайиб бо-

ради, ортиқча терлаш натижасида тер орқали сувда эрувчи дармондорилар минерал тузлар кўпроқ ажралади.

Бундай шароитда овқатни тартибли ташкил қилиш, турли дармондорига бой сабзавотлардан, полиз экинлари ва мевалардан истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Киши танасидаги оксил моддаси муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун кундалик овқатимизда оксил етарли миқдорда бўлма-са, киши ориқланиб, қувватсизланади. Натижада унинг танаси касалликка мойил бўлиб қолади.

Маълумки, тана ўзига керак бўлган оксилни овқат маҳсулотларидан олади. Ундаги оксиллар, ўз навбатида, қимматли ва қимматсиз турларга бўлинади. Қимматли оксилларга ҳайвон маҳсулотлари — гўшт, тухум, балик, сўт ва сўт маҳсулотлари, шунингдек оксилга бой дуккакли ўсимлик маҳсулотлари — мош, нўхот, гуруч, ловия ва бошқалар қиради. Қимматсиз оксиллар эса ўсимликлардан олинган маҳсулотлардан иборатдир.

Одам танасидаги ёғлар ҳам қувват манбаи ҳисобланади. Овқатни тартибли ташкил қилишда ёғларнинг сифатига ҳам катта эътибор бериш керак. Айниқса болаларнинг

меъёрда ўсиши учун сариёғ, қаймоқ жуда ҳам фойдалидир. Чунки ёғлар яхши сингиш, ҳазм бўлиши билан бирга бола танаси учун қимматли ёғда эрувчи А, Д дармондориларга бойдир. Шу билан бирга ўсимлик ёғлари етарли бўлиши микдорда овқатдаги умумий ёғ миқдорининг 5-10 фоизини ташкил қилиши меъёрий ҳол ҳисобланади.

Айрим кишилар овқатда меъёрдан чиқиб кетади. Бунда модда алмашуви бузилиб, ортиқча ёғ тўпланиши натижасида киши семирткичи кетади. Овқатланиш тартибига амал қилмайдиганлар сўнгги вақтда кўп учраб туради. Бундай кишилар эрталаб, тушки ва кечки овқатланишлар ўртасида ҳам кўча-кўйда тартибсиз овқатланади. Бу зарарли одатни узоқ давом этиши саломатликка салбий таъсир қилмай қолмайди.

Овқатланишни тўғри ташкил қилиш, тозалikka эътибор бериш, касалликларнинг олдини олиш билан бирга саломатликни сақлаш ва узоқ умр кўришга замин яратади.

Абдувахоб ТОХИРИЙ, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Соғлом турмуш тарзи» кафедраси катта ўқитувчиси

Барчамизга яхши маълумки, республикамизда ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар изчил йўлга қўйилган.

## ЭНГ МУҲИМИ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Жумладан, бу борада шахримизнинг барча қорхона, ташкилот ва муассасаларида, айниқса таълим масканлари ҳамда маҳаллаларда кенг қўламда санитар-тарғибот ишлари олиб борилади.

ОИВ/ОИТС касаллигининг инсонга юқиб йўллари ҳаммаимизга маълум бўлганини боис унинг олдини олиш чораларига амал қилиш талаб этилади. Бу борада шахсий гигиенага риоя қилиш, даволаш-профилактика муассасаларига бурганда, бир маротабалик шприцлардан, резина қўлқоплардан, стерил тиббий асбоблардан фойдаланиш ва албатта соғлом турмуш кегириш ўта муҳимдир.

Ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш борасида «Toshkent shahar dori-darmon» акциядорлик жамияти томонидан дунёнинг етакчи фармацевтик ишлаб чиқарувчи фирмалардан 2010 йилнинг ҳозирги давригача 918100 та бир маротаба ишлатиладиган стерил шприцлар ва қон қуйиш системалар, 551239 жуфт резина қўлқоплар келтирилиб, даволаш-профилактика муассасалари ва дорихоналар таъминланди. Бундан ташқари, республикамизга турли ташкилотлардан мурувват ёрдами сифатида ажратилган шундай воситалар ҳам тиббиёт муассасаларига тарқатилди.

Айтиш жоизки, бундай эҳтиёткорлик воситаларидан фойдаланиш, умуман олганда, маънавий бой, жисмонан соғлом ёшларни камол топтиришга йўналтирилган барча профилактика тадбирлари албатта касалликларнинг олдини олишга, улардан сақланишда ўз самарасини беради.

«Тошкент шаҳар дори-дармон» ОАЖ

### Таълим

## САНЪАТ ФУНЧАЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимиздаги 18- ва 26-болалар мусиқа ва санъат мактаблари янги ўқув йилида тўлиқ капитал таъмирланди, фойдаланишга топширилди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бошланғич иختисослаштирилган мусиқа таълимини янада такомиллаштириш, мусиқа ва санъат соҳасида юқори маҳоратли кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда бу соҳага катта эътибор қаратиб келинмоқда. Республикаимиз Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ пойтахтимизда 30 та болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш кўзда тутилган. Дастурга мувофиқ жорий йилда бешта мусиқа ва санъат мактабида, жумладан, битта янги қурилиш, тўртта капитал реконструкция ишлари якунига етди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳисобидан Яқкасарой туманидаги 18-мусиқа ва санъат мактабининг янги биносини қуриш учун 1,5 миллиард сўм ажратилди. Иншоот бош пудратчи — «Метин-қурилиш» МЧЖ томонидан бунёд этилди.

Янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган мазкур санъат мактаби замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳолатга келтирилди. Бу ерда ўқувчилар учун барча шароитлар муҳассам. Шинам ва ёруғ хоналар, замонавий жиҳозланган овоз ёзиш студияси, 300 кишига мўлжалланган концерт зали болажонлар ихтиёрида.

— Миллий мусиқа чолғу асбоблари бўлими доира йўналишида тахсил оламани, — дейди Камолитдин Обиджонов. — Биз учун яратилган бундай имкониятларнинг қадрига етишимиз, келгусида ўзбек санъатини янада ривожлантиришга ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Юнусобод туманидаги 26-мусиқа ва санъат мактабида бошланғич сабоқларни ўрганган иқтидорли ёшлар ушбу таълим муассасасининг ўзида ўқишини давом эттириши ва мусиқа сирларини янада чуқурроқ ўрганиб, ўз қобилиятини рўйбга чиқариш имкониятига эга бўлди.

Ҳозирда ушбу мактабда ахборот-ресурс маркази ташкил этилган бўлиб, мусиқа ва санъат йўналишидаги кўплаб адабиётлар ва ўқув қўлланмалар, электрон ахборот таълим ресурслари, интернет алоқасига уланган компьютер техникалари билан таъминланган.

Мусиқа мактабининг очилишида меҳмонлар «Ўзбек халқ чолғулари», «Торли-камонли асбоблар», «Фортепиано» сингари синф хоналарида бўлиб, яратилган шарт-шароитлар билан танишишди.

Азима ҚИЁСОВА, Акбар ЖИЯНОВ

## ЯНГИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Янги ўқув йили бошланган бўлсада, жойларда таълим ходимлари ўртасида тажриба алмашиш, ўқиш жараёнига замонавий услубларни кенг жорий этиш бўйича тадбирлар давом этмоқда.

144-мактабда ўтказилган давра суҳбатиде таълим тизимидаги янгиликларни, жумладан ўқитувчилар педагогик юктамаларининг янги лойиҳаси ва ўқувчилар билиминин баҳолашда рейтинг тизимининг афзалликлари ҳақида сўз борди. Педагогларга интерфаол услубларни қўллаётган ўқитувчилар иш тажрибалари ҳамда «Устоз-шоғирд»лик фаолиятидаги анъаналарни оммалаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда «Истеъдод» жамғармаси, Республика таълим маркази, Халқ таълими бош бошқармаси, таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

— Давра суҳбатиде, — дейди Яқкасарой тумани халқ таълими бўлими мудирини ўринбосари Нилуфар Умурзоқова, — янги рейтинг тизимининг ихчамлиги, оддийлиги, кенг жамоатчилик учун тушунарлилиги, айниқса ўқувчиларнинг билим олишга бўлган интилишини ривожлантиришга қаратилганлиги тўғрисида кенг баҳс юритилди. Янги йўналишдаги педагогик юктамалар ҳам ўқитувчиларга ортиқча қозғоз-бозлик эмас, балки ўз вақтини ижодий излашлар билан машғул бўлишга сарфлашини таъминлайди, деган хулосага келинди.

Гулором ҲАМИДОВА



**Спорт янгиликлари**



**Пекин шаҳрида спортнинг яккакураш турлари бўйича I Бутунжаҳон жанговар санъатлари ўйинлари ўтказилмоқда, деб хабар беради ЎЗА.**

**МУАЙТАЙЧИМИЗ КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ**

Мусобақада дунёнинг олтига яқин давлатидан келган минг нафардан зиёд спортчи яккакурашнинг ўн учта тури бўйича голиблик учун куч синашмоқда. Мусобақа дастуридан жой олган муайтай бўйича бахсларда ҳамюртимиз Фирдавс Холмуродов кумуш медалга сазовор бўлди. Истеъдодли спортчимиз ўз вазн тоифасида аргентиналик Себастьян Калво ва шведиялик Мартин Ахтарни бир хил – 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, иккинчи ўринни эгаллади.

**Байрам АЙТМУРДОВ**

**ТАЙЁРГАРЛИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ**

Қатарда келгуси йилда футбол бўйича ўтказиладиган Осиё чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган **Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси нуфузли турнирга тайёргарликни бошлаб юборганидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.**

Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб олган Вадим Абрамов шогирдларининг кейинги пайтда назорат-ўртоқлик учрашувларини ўтказишга эътибор қаратишга таъсир синга лойиқ. Чунки бундай учрашувлар терма жамоамизнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги маромига етишини таъминлайди.

Уни кеча Россия пойтахтида Москванинг «Локомотив» жамоаси ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўртасида навбатдаги назорат-ўртоқлик учрашуви ташкил этилди. Ўз сафига бир неча умидли ёшларни жалб этган жамоамиз мезбонлар билан майдонда тенгма-тенг мurosасиз кураш олиб борди. Аммо омад майдон эгаларига кулиб боқди. 90 дақиқа давом этган қизиқарли беллашув 2:1 ҳисобида «Локомотив» галабаси билан якунланган бўлсада, ушбу баҳс ўзбекистонликлар учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади. Дарвозаларга голларни «Локомотив»дан Лоцков ва Нуров, Ўзбекистон терма жамоасидан Аҳмедов (пенальти) киритди.

**Гулноза РАСУЛОВА**

**«Сағбон» спорт марказида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллик байрами ҳамда Баркамол авлод йилига бағишлаб Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ташаббуси билан Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, кураш федерацияси, «Маҳалла» ҳамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда 13 та тармоқ касабаси уюшмалари шаҳар ташкилотлари тасарруфидоги корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари иштирокида олти вазнда кураш бўйича турнир ўтказилди.**

**КУЧЛИЛАР ШОҲСУПА ТЎРИДА**

Айтиш керакки, ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, спортнинг оммавийлигини ошириш, қобилиятли спортчиларни камол топтириш масалалари Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Пойтахт касабаси уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти спортчилари жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Пекинда бўлиб ўтган сўнгги Олимпия ўйинларида Г.Хуббиева (енгил атлетика), О.Гнедовская (сузши), Л.Галиуллина (спорт гимнастикаси), И.Ҳафизов (юнон-рум кураши) яхши натижалар кўрсатишганини таъкидлаш жоиз.

Пойтахт касабаси уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти томонидан ўтган беш йил мобайнида 4267 нафар оммавий тоифали спортчи, 475 нафар биринчи тоифали спортчи, 397 нафар спорт ус-

талигига номзод, 75 нафар спорт устаси, 33 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси тайёрланди. Жисмоний тарбия жамоалари ва спорт клублари 182 тадан 203 тага етди. Спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчилар йигирма мингдан ошиб, айна пайтда 80892 тани ташкил қилмоқда

Энди бевосита ўтказилган мусобақа ҳусусида тўхталиб кетсак, гиламга тушган ҳаваскор спортчилар галаба учун кучли интилиш ҳислатларини кўрсатди ва голибларни аниқлаш осон кечмади. Ниҳоят финал беллашувларидан сўнг 66 килограмм вазнда Самад Алиев (саннат ходимлари касабаси уюшмалари шаҳар кенгаши)нинг қўли баланд келган бўлса, 73 килограммлик ўртасида Бобомурод Холиков (маданият ходимлари касабаси уюшмалари)га тенг келадиганлар топилмади.

Кейинги 81 ва 90 килограмм вазн-

ларда Абдумалик Аҳмедов (қурилиш ходимлари касабаси уюшмалари) ва Аъзам Шокиржонов (давлат муассасалари ходимлари касабаси уюшмаси) хурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олишди.

100 килограммлик полвонлар баҳсида Акмал Холмуродов (тадбиркорлик ходимлари касабаси уюшмалари) барча рақибларини доғда қолдирди.

Ниҳоят энг оғир вазнда маданият ходимлари касабаси уюшмалари шаҳар кенгаши вакили Акбар Йўлдошевга омад кулиб боқди.

Мусобақанинг голиб ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар, фахрий ёриқлар топширилди. Барча олти вазндаги энг кучли курашчилар энди 13-15 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган республика турнирида шахримиз шарафини ҳимоя қилади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**  
**Козим Улмасов олган суратлар**

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан «Камолот»нинг ибратли қизлари» кўрик-танлови ўтказилди.**

**ИБРАТЛИ ҚИЗЛАР ТАНЛОВИ**

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган танловда ҳар бир тумандан саралаб олинган энг иқтидорли қизлар қатнашди.

Улар миллий урф-одатларимиз акс этган куй-қўшиқ, лапару ёр-ёрларни маҳорат билан ижро этиб, ўзбек қизларига хос бўлган ҳаё, назокат, ҳозиржавоблигию топқирлиги, пазандачилик сирларидан яхши воқифлигини намойиш этишди.

— Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшлар онгига миллий истиқлол гоёсини сингдириш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш учун кўплаб тадбир ва кўрик-танловларни ўтказиб келмоқдамиз, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига «Камолот» ЕИХ бўлими етакчиси Гулнора Абдуваҳובה. — Галдаги танлов ҳам қизларни оилапарвар, миллий урф-одат ва қадриятларимизга содиқ қилиб тарбиялашда ўзига хос ўрин тутуши шубҳасиз.

Танлов доирасида камолотчи қизлар тиккан замонавий либослар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Барча шартлар сарҳисоби бўйича Нилуфар Қодирова (Юнусобод тумани) голиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси камолотчиси Насиба Вайисова ва Мирзо Улуғбек туманидан Динара Жумаевага насиб этди.

Шунингдек, «Энг яхши иштирокчи», «Энг ташаббускор иштирокчи», «Энг чаққон қиз», «Энг иқтидорли иштирокчи», «Энг латофатли қиз» номинациялари бўйича ҳам совриндорлар аниқланди.

**Азима ҚИЁСОВА**

**Турфа олам**

**ПЛАСТИК ДЕРАЗЛАРНИНГ ЯНА БИР ХУСУСИЯТИ**

**Уй-биноларда хонадаги ҳаво алмашинуви ва микроклими бўйича хорижлик мутахассисларнинг маълумотига кўра, пластик деразалар, ҳаво тозалогич, совутгич ва иситгичлари хонага тоза ҳаво киришига йўл қўймасдан, инсон саломатлигига зарар етказар экан.**

Хона ҳавосига таркибида бир неча захарли моддалар мавжуд бўлган мебеллардан, ДСПдан ишланган жиҳозлардан, фойдаланилган техника асбобларидан куйган ҳидлар парланиб чиқиб туради. Пластик деразалар эса уй ҳавосидаги чанг ва чиқиб кетиши шароити бўлмаган ҳолатда тўпланган ҳидларнинг янада йўғилиб, радон моддасининг қўлайишига сабабчи бўлар экан. Бундай муҳит могор, замбуруғ ва ҳар хил микроблар учун жуда қўлай-дир. Яхши ҳаво алмашмаган жойлар-

да намлик юқори бўлади. Ҳаво совутгичлари ҳам вазифаларини яхши бажармайди, балки муаммони янада чуқурлаштиради.

Немис олимларининг фикрига кўра, охириги 10 йил ичида замонавий уйлардаги носоғлом ҳаво шароитида аллергия, зотилжам, тери ва онкология касалликлари кўпайиб бормоқда. Бу муаммони озгина бўлса-да ҳал қилиш мумкин. Бунинг учун ҳаво алмаштириш турувчи шароит бўлиши ва ташқаридан ҳаво кириб туриши учун кичкина тешик бўлиши керак. Мутахассислар пластик деразаларни ёғочдан ишланган деразаларга алмаштиришни тақлиф қилмоқда ёки пластик деразаларга ҳаво алмаштирувчи клапанларни ўрнатиш даркор. Шифокорлар ҳар доим йилнинг барча мавсумларида деразани очиб, уй ҳавосини шамоллатиб туриш ва тунда дераза форточкасини очиб ухлаш саломатлигимизга қони фойда эканлигини бежизга таъкидлашмайди.

**ПИШЛОҚ НЕГА ФОЙДАЛИ?**

**Пишлоқ аъло даражали сут маҳсулоты, парҳезбон, организмда 98,5 фоизга енгил ҳазм бўлиш хусусиятига эга. Пишлоқнинг бу**

**хусусияти унинг энг қимматбаҳо озиқ-овқат маҳсулоты эканлигидан далолат беради.**

Инсон организмга жуда зарур бўлган моддалар — оксиллар, ёғлар, "А" ва "В2" витаминлари, кальций, фосфор минерал тузлари пишлоқда бошқа сут маҳсулотларидагидан кўра кўпроқ учрайди. Етилтириш жараёнида ундаги оксиллар нафақат эрувчан ҳолатга ўтади, балки таъм берувчи моддалар пайдо бўлади.

Пишлоқнинг озукавий қиммати жуда юқори. Таркибида сутдаги барча фойдали элементлар юқори концентрацияда бўлади. Масалан, сутда 3,2 фоиз оксил бўлса, пишлоқда 20-25 фоиздан кам эмас. 25,6 фоизга яқин оксил, 30 фоизга яқин сут ёғи бор. 100 грамм пишлоқ 300 – 400 килокалорияга эга.

Ер юзиде бир йилда пишлоқ ишлаб чиқариш ўртача 12 миллион тоннани ташкил этади. Уни энг кўп Францияда истеъмол қилинади. Ҳар бир француз бир йилда ўртача 14,7 килограмм пишлоқ истеъмол қилади. Иккинчи ўринда голландияликлар (12 килограмм), учинчи ўринда шведлар (11 килограмм) туради. Пишлоқ Италия, Дания, АҚШ ва бошқа мамлакатларда ҳам кўп микдорда ишлаб чиқарилади.

**Феруза УМАРОВА тайёрлаган**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманидаги 141-мактаб томонидан 2001 йилда Аҳмедова Аниса Амонуллоевна номига берилган ОП-А №1149046 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 141-мактаб томонидан 1985 йилда Арипова Саида Саидазимовна номига берилган №734495 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**  
Манзилми: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65, факс: (371) 232-11-39.  
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба*  
*ва жума кунлари чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ахборот**  
**бошқармасида 02-1-рақам**  
**билан рўйхатта олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилди.  
2882 рўсда босилди.  
Қоғоз ёғи А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси  
Босмохонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.